

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВА НИГОРА НАСРИДДИНОВА

ТУҒМА ИЧАК ТУТИЛИШИ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР
МОСЛАШУВИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ
БУЗИЛИШЛАРИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Эргашева Нигора Насриддиновна

Туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқлар мослашувининг хусусиятлари ва унинг бузилишларини коррекциялаш..... 3

Эргашева Нигора Насриддиновна

Особенности адаптации новорожденных детей и коррекция её нарушений при врожденной кишечной непроходимости..... 24

Ergasheva Nigora Nasriddinovna

Features of adaptation of newborn children and correction of its inpairments in congenital intestinal obstruction..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВА НИГОРА НАСРИДДИНОВНА

ТУҒМА ИЧАК ТУТИЛИШИ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР
МОСЛАШУВИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ
БУЗИЛИШЛАРИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ

14.00.09 – Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib898 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ахмедова Дилором Илхамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Шаришов Алишер Мирхамидович тиббиёт фанлари доктори, профессор Хасанова Саида Сабировна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSс.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» декабрь куни соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (343 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «4» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «4» декабрь даги 120 рақамли реестр баённомаси).



А.В.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хантов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.М.Шаришов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болалар ўлими, сурункали касалликлар ва ногиронликни асосий сабабларидан бири туғма нуқсонлар алоҳида ўрин эгаллаган долзарб тиббий ва ижтимоий муаммо сифатида аҳамият касб этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, “...дунёда ҳар йили янги туғилган чақалоқларнинг 6 фоизи туғма нуқсон билан туғилади ва ҳар йили 303,000 болалар ҳаётининг биринчи 4 ҳафтасида вафот этади”¹. “Туғма нуқсонлар таркибида овқат ҳазм қилиш тракти аномалиялари 21,7%-25,0%ни ташкил этади ва 10 000 нафар тирик туғилганларга 13-26,4 га тўғри келади”². Бу туғма нуқсонлар гуруҳи орасида туғма ичак тутилиши энг кенг тарқалган бўлиб, туғруқдан кейин чақалоқларда мослашувининг бузилиши туфайли кўплаб аъзолар ва тизимларнинг вазифасини ўзгаришига, неонатал даврида ўлим ҳолатларига, шунингдек ҳаётнинг кейинги босқичларида боланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишига олиб келмоқда. Шу жиҳатдан ҳам, туғма ичак тутилишининг ривожланиш омилларини аниқлаш, эрта ташҳислаш ва даволаш усулларини самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда чақалоқларда туғма ичак тутилишининг олдини олиш, эрта ташҳислаш ва даволашни такомиллаштиришига қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада янги туғилган чақалоқлар орасида туғма ичак тутилиши ва постнатал мослашуви бузилишларини ривожланиш хавф омилларини аниқлаш, шу жумладан, ичак микрофлорасини, бошланғич тана вазни ҳамда эндоген интоксикация ҳолатини боғлиқлигини аниқлаган ҳолда туғма ичак тутилишини комплекс даволашида мослашув бузилишларини коррекциялаш усулларини ишлаб чиқиш алоҳида касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш шароитида тиббий ёрдамнинг юқори сифатини таъминлаш устувор йўналишлардан биридир. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, “аҳоли айниқса, болалар ўртасида касалланиш ва ўлимни камайтириш; оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш, гўдаклар ва болалар ўлимини камайтириш”³ каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда туғма ичак тутилишли билан туғилган чақалоқларда постнатал

¹ World Health Organization. Congenital anomalies. fact sheet no. 24. World Health Organization website. December of 2020. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/congenital-anomalies/>

² Бачина А.В. и соавт. Эколого-гигиенические аспекты развития врожденных пороков развития в Кузбассе//Мид.- 2015- №1. С.48-52

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

мослашувининг ривожланиш омиллари ва хусусиятларини аниқлаш ҳамда аниқланган бузилишларини самарали коррекциялаш усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Россия Федерацияси ва бошқа давлатларнинг турли етакчи неонатал марказларининг фундаментал қўлланмаларида ва илмий нашрларида (Володин Н.Н., 2017; Иванов Д.О., 2019; Andropoulos D.B., 2018; Sergi S., et all., 2019), янги туғилган чақалоқларда физиологик шароитларда ва турли патологик шароитларда мослашиш жараёнини акс эттирувчи транзитор ҳолатлар динамикаси етарлича тўлиқ даражада баён қилинган. Неонатал жарроҳлик бўйича етакчи марказлар маълумотларига кўра, янги туғилган чақалоқлар ва ҳаётнинг биринчи ойидаги болалар орасида, мослашиш пайтида уларга ғамхўрлик қилиш энг қийин ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳаётининг бу даврида энг травматик, катта ҳажмли жарроҳлик аралашувлар амалга оширилади.

Жаҳон амалиётида туғма ичак тутилишининг анте- ва постнатал ташҳисини такомиллаштириш, замонавий технология ёрдамида анестезиологик қўллаб-қувватлаш ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш бўйича бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Разумовский А.Ю., 2019; Эргашев Б.Б. ва бошқ., 2019; Саттаров Ж.Б., Ибрагимов А.В., 2021; Эргашев Н.Ш. ва бошқ., 2021; Gfroerer S., et al, 2019; Walkden G.J., et al, 2019). Неонатал жарроҳликнинг муҳим ютуқларига қарамасдан, туғма ичак тутилишини даволаш натижалари ҳар доим тасалли берадиган даражада эмас. туғма ичак тутилиши ва ушбу патологияда ошқозон-ичак трактида жарроҳлик амалиётини ўтказиш кўпинча маҳаллий, тизимли ва йирингли-яллиғланиш асоратлари ривожланишига, шунингдек, беморларнинг ушбу туркумида ўлимга асосий сабаб ҳисобланадиган кўп аъзолар етишмовчилиги ривожланишига олиб келади.

Асоратларнинг юзага келишида мослашув имкониятлари ва пайдо бўлган нуқсон ҳолатларининг оғирлиги алоҳида ўрин тутди. Шу билан бирга янги туғилган чақалоқларда оғир ҳолатларининг кечиши хусусиятлари,

гомеостаз хусусиятлари, ичак дисбактериози табиати, ичак тутилишининг маълум бир турига хос интоксикация даражасини акс эттирувчи ишлар йўқ. Эрта неонатал даврда мослашиш бузилишларини аниқлашда қайси омиллар энг аҳамиятли эканлиги, шунингдек, клиник ва параклиник усуллар янги туғилган чақалоқларнинг туғма ичак тутилиши билан касалланишининг қўшимча белгилари бўлиб хизмат қилиши аниқланмаган. Ушбу жиҳатларни ҳал қилиш даволаш тактикасининг самарали алгоритмларини ишлаб чиқишга ва туғма ичак тутилиши билан янги туғилган чақалоқларнинг бузилган постнатал мослашувини коррекция қилишга ёндашувларни асослашга ёрдам беради

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Болаларда туғма ва ортирилган касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси» (2017-2020й) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқларда мослашув хусусиятларини аниқлаш ва аниқланган бузилишларини коррекциялаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари пасткидагилардан иборат:

туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқларда антенатал ва интранатал хавф омилларининг мослашиш жараёнларидаги аҳамиятини ва тузилмасини аниқлаш;

туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқларда неонатал давр ва мослашиш бузилишлари кечишининг хусусиятларини аниқлаш;

туғма ичак тутилишининг турли шакллари билан туғилган чақалоқларда ичак микрофлорасининг хусусиятларини аниқлаш;

эндоген интоксикация даражасини ҳамда унинг туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқларнинг ичак микрофлораси ва тана вазни билан боғлиқлигини аниқлаш;

туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқларда ичак дисбиозидан келиб чиққан мослашув бузилишларини оптимал коррекциялаш тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика Перинатал марказида туғилган 208 нафар туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқлар ва 20 нафар соғлом чақалоқлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник, биокимёвий текширувлар учун периферик қон, қон зардоби, микробиологик текширувлари учун нажас материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, микробиологик, инструментал (ултратовуш текшируви, рентгенологик ва кўрсатмаларига мувофиқ - ЭХО-КГ, нейросонография) ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги пасткидагилардан иборат:

илк бор туғма ичак тутилиши билан янги туғилган чақалоқларнинг

мослашувининг бузилишига антенатал ва интранатал омиллар, жумладан онанинг кўшма соматик ва юкумли патологияси, ҳомиладорлик ва туғиш давридаги гипертензив бузилишлар, муддатидан олдинги туғруқнинг таъсири исботланган;

янги туғилган чақалоқларда туғма ичак тутилишининг клиник шаклларига қараб неонатал давр ва мослашишнинг кечиш хусусиятлари очиб берилган, улар тана вазнининг яққол йўқолиши (юқори туғма ичак тутилишида янада аҳамиятли), ичак дисбиози, гипоксик-ишемик энцефалопатия билан намоён бўлганлиги исботланган;

илк бор туғма ичак тутилишининг турли шаклларида ичак микрофлорасининг миқдорий ва ўзига хос хусусиятларининг бузилиши аниқланди: энг яққол бузилишлар пастки туғма ичак тутилиши ва ичак мальротациясида исботланган;

янги туғилган чақалоқларда туғма ичак тутилиши эндоген интоксикация фонида, яъни эндоген интоксикациянинг алмашинув ва резорбцион компонентларининг юқори даражада кечиши исботланган;

туғма ичак тутилишили янги туғилган чақалоқларда транзитор ҳолат (физиологик вазн йўқотиш, ичак дисбиози) ва эндоген интоксикация орасидаги корреляцион боғлиқлик исботланган;

Туғма ичак тутилишининг турли шаклларида чақалоқларда ичак дисбиозини пробиотиклар кўллаш билан ишлаб чиқилган дифференцирланган коррекция қилиш схемаларининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари пасткидагилардан иборат:

туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқларнинг мослашувига таъсир қилувчи антенатал ва интранатал омиллар мажмуи аниқланган;

клиник, биокимёвий, функционал ва микробиологик тадқиқот усуллари асосида туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқларнинг мослашуви бузилишларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

туғма ичак тутилишининг турли шаклларида ичак микрофлораси бузилишларини коррекцион даволашнинг оптимал схемалари ишлаб чиқилган;

мослашув бузилишларини баҳолаш ва микробиоценоз бузилишларини коррекциялаш бўйича ишлаб чиқилган усулларни амалиётга жорий этиш янги туғилган чақалоқларни туғма ичак тутилиши билан даволаш самарадорлигини оширишда янги ёндошувлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ретроспектив таҳлил ва проспектив тадқиқот асосида, шу жумладан постнатал мослашув бузилишининг ривожланиши учун хавф омиллари ва унинг хусусиятларини туғма ичак тутилиши билан янги туғилган чақалоқларда транзитор ҳолатларни таҳлил қилиш асосида, шу жумладан эндоген интоксикация ва ичак микрофлорасини ўрганиш, мослашув бузилишларининг антенатал ва интранатал омилларининг частотаси бўйича илмий асосланган натижалар олинди, чақалоқларда туғма ичак тутилишининг ичак микрофлораси бузилишлари аниқланди, шунингдек уларни коррекция қилишнинг дифференцирланган схемалари ишлаб чиқилди, бу неонатология ва умуман, педиатрия соҳасида чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган натижалар чақалоқларда туғма ичак тутилиши ва мослашув бузилишининг ривожланиши хавф омилларини эрта босқичларда аниқлаш, шунингдек, постнатал дизадаптация муҳим омилларидан бирининг бузилиши – ичак дисбиозини ўз вақтида коррекция қилиш имконини беради, бу ушбу патологияда чақалоқларда прогнозни яхшилаш, асоратлар, ногиронлик ва ўлимни камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Янги туғилган чақалоқларда туғма ичак тутилишини диагностика ва даволашни такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

янги туғилган чақалоқларда туғма ичак тутилиши диагностикаси ва унинг оғирлаштирувчи омиллар бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Янги туғилган чақалоқларда туғма ичак тутилиши диагностикаси ва унинг оғирлаштирувчи омилларини аниқлаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021йил 20 августдаги 8н-р/743-сон маълумотномаси) тасдиқланди. Ушбу услубий тавсиянома чақалоқларда туғма ичак тутилишини эрта диагностикасини яхшилаш ва уни оғирлаштирувчи омилларни аниқлаш имконини берди.

туғма ичак тутилиши билан янги туғилган чақалоқларда мослашмаслик бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Туғма ичак тутилиши билан янги туғилган чақалоқларда мослашмаслик ҳолатларни баҳолаш”, (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021йил 20 августдаги 8н-р/742-сон маълумотномаси) номли услубий тавсиянома тасдиқланган. Ушбу услубий тавсиянома чақалоқларда мослашув бузилишларини эрта аниқлашни яхшилаш имконини берди, бу ўз вақтида коррекция қилиш ва операциядан кейинги асоратларни частотасини камайтириш имконини берган.

туғма ичак тутилишининг диагностикаси ва уларнинг оғирлаштирувчи омилларини аниқлаш, шунингдек туғма ичак тутилиши билан янги туғилган чақалоқларда касаллик ҳолатини баҳолашга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Қашқадарё ва Навоий вилоят болалар кўп тармоқли

тиббиёт марказлари ҳамда Тошкент ш. 1-сонли шаҳар болалар клиник шифохонасининг амалий фаолиятига киритилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 29-октябрдаги №-08-07/16066 сонли маълумотномаси). Туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқларда мослашуви бузилишларини диагностика қилиш ва баҳолашнинг тавсия этилган комплекسدан фойдаланиш ичак тутилишининг эрта ва кечки асоратлари ривожланиши ва ўлимни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда, 1 та мақола Scopusда индексланган журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта шахсий тадқиқотлар бобларидан, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати текшириш мақсади ва вазифалари асосланади, объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи **“Туғма ичак тутилиши билан туғилган чақалоқларнинг мослашуви ва унинг бузилишларини коррекциялаш”** бобда мослашиш бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил қилинади, мослашишнинг бузилиш ва дизадаптив ҳолатларнинг кечишига таъсир қилувчи омиллар, чақалоқларнинг мослашишида ичаклар микробиотасининг аҳамияти, чақалоқларда ТИТга ташхис қўйиш, даволашга замонавий ёндашувлар таҳлил қилинган.

Иккинчи **“Қўлланилган клиник материал ва тадқиқот усулларининг хусусиятлари”** бобда тадқиқот материаллари ва услублари батафсил баён этилган. Иш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика перинатал маркази неонатал жарроҳлик, реанимация ва интенсив терапия бўлимларида туғма ичак тутилиши билан туғилган 208 нафар чақалоқларнинг ташхиси ва даволаш натижаларини ретро ва истиқболли таҳлил қилишга асосланган. Текширилганлар орасида 102 нафар ўғил бола (49,0%) ва 106 нафар қиз бола (51,0%) бор эди. Гестация муддатига кўра,

тўлиқ муддатли туғилганлар 111 нафар (53,3%), ой кунига етмай туғилган чақалоклар - 97 нафар (46,6%) эди. Беморлар 2 гуруҳга бўлинди: анъанавий мажмуий жарроҳлик ва консерватив даволанган 91 нафар (таққослаш гуруҳи) ва анъанавий комплекс даволашга ичак микробиоценози бузилишларининг коррекцияси киритилган 117 нафар (асосий гуруҳ) болалардир.

ТИТ ташҳиси рентгенологик ва инструментал текшириш усуллари ёрдамида неонатологлар ва болалар жарроҳлари томонидан аниқланди. Рентген ва ултратовуш тадқиқотлар ТИТ ни асосий постнатал диагностикаси усули эди. Кўрсатмаларга кўра, янги туғилган чақалокларда Эхо-КГ ва нейросонография ўтказилган.

Умумий клиник тадқиқот усуллари умумий қон таҳлили, сийдик ва нажаснинг умумий таҳлилини ўз ичига олган. Қон зардобининг биокимёвий тадқиқотларига тестларнинг асосий метаболик панели киритилган.

Махсус тадқиқот усуллари эндоген интоксикацияни (қон зардобидаги малондиалдегид (МДА) ва ўрта молекуляр пептидлар (ЎМП) даражасини), резорбцион (лактат ва билурибин даражалари) ва ретенцион (креатинин даражаси) эндоген интоксикация (ЭИ) компонентларини комплекс баҳолашдан иборат эди. Ичак микрофлорасининг миқдорий параметрлари ва турлари таркиби даволанишдан олдин ва кейин стандарт усул бўйича баҳоланган.

Тадқиқотлар натижалари, текширилганлар орасида 68 нафар янги туғилган чақалокқа (32,7%) юқори ТИТ (ЮТИТ), 93 нафар янги туғилган чақалокқа (44,7%) пастки ТИТ (ПТИТ) ташҳиси қўйилганлигини кўрсатди. Ичак малротацияси (ИМ) 47 нафар (22,6%) беморда аниқланган.

ЮТИТда обструкция (ички ёки ташқи) турига қарамасдан асосий клиник белгилар пасткидагилар бўлди: эпигастрал соҳада қорин шиши, бу бизнинг тадқиқотларимизда 68 нафар (100%) янги туғилган чақалокларда кузатилди, қусиш - 66 нафарда (97%), электролитлар мувозанати параметрлари билан эксикоз ҳодисаларининг ошиши - 67 нафар (98,5%) янги туғилган чақалокларда кузатилган.

ПТИТ тўлиқ бўлмаган тутилиши кўринишида кўпроқ намоён бўлди, барча янги туғилган чақалокларнинг клиник ҳолатида ичи келмаслиги (100%); интоксикация (77,4%), бирдан қорин шишиши (50,5%), ортиб бораётган перитонит фонида кеч қусиш (37,6%) устунлик қилган.

ИМ нинг клиник кечишида ингичка ичакнинг маълум қисмларида ёки ўрта ичак бўйлаб сиқилиш ёки инверсия даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Сафро аралашмаси, қон бўлакчалари билан қусиш, тўғри ичакдан қон оқиши ичак айланиб қолишидан далолат беради.

Барча олинган тадқиқот натижалари статистик тарзда Microsoft Office Excel-2019 дастурий пакети ёрдамида шахсий компьютерда қайта ишланди. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари ўрта арифметик (M), ўртача стандарт хато (m), корреляция коэффиценти (r) ни ҳисоблаш билан қўлланилди. Ўртачаларни таққослашдаги ўзгаришларнинг статистик аҳамияти Стюдентнинг мезони (t) билан ҳисобланган.

Учинчи “Туғма ичак тутилиши билан янги туғилган чақалоқларнинг постнатал мослашуви хусусиятлари” бобида ТИТ билан туғилган чақалоқларни мослашув бузилишларида анте ва интранатал хавф омилларининг аҳамияти ва тузилиши, шунингдек, ичак тутилишининг турли шакллари билан туғилган чақалоқларни постнатал мослашувининг клиник кўринишларининг хусусиятлари баҳоланган.


ТИТ билан туғилган чақалоқларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган хавф омилларини аниқлаш учун ҳомиладорлик ва туғруқнинг анамнестик маълумотларига кўра антенатал ва интранатал даврларни таҳлил қилинди. Оналарнинг ёши 19 дан 39 ёш оралиғида бўлди. 20 ёшдан кичик 35 ёшдан катта ёш тоифасидаги оналар орасида ЮТИТ билан касалланган болалар кўп учради ва мос равишда 5,9% ва 2,9% ($p < 0,05$) га мос келган. Таққослаш гуруҳларида аёлларнинг ярмидан кўпида такрорий ҳомиладорлик (57,6%) бўлган, аммо 3 ёки ундан кўп ҳомиладорлик частотаси ЮТИТ бўлган болалар оналарида юқори бўлди (болалари ЮТИТ бўлган болалар 34,4% га нисбатан 45,6%, ва ИМ бўлган болалар оналарида, 19,1%, $p < 0,05$). Оналардаги 1-ҳомиладорликда малротация билан оғриган болалар устунлик қилди ва 61,7% ни ташкил этди.

74,0% оналар анамнезида турли ноқулай антенатал ва интранатал омиллар оғир кечган, 26,0% оналарда нисбатан қулай акушерлик ва гинекологик анамнез бўлган. ТИТ билан туғилган чақалоқларнинг 71% табиий туғилиш йўллари орқали, 29% - Кесарча кесиш жарроҳлик усули билан туғилган. Таъкидлаш керакки, 46,6% ҳолатда болаларнинг муддатидан олдин туғилган. ТИТ билан касалланган болалар оналарда муддатидан олдин туғилишнинг энг юқори фоизи бўлди (61,8%), ТИТ билан касалланган болаларда бу кўрсаткич 44,1% ни, ИМ – 29,8% ни ташкил этган.

Оналар анамнези тахлили ҳомиладорлик пайтида аёллар турли хил соматик ва юқумли касалликларни ўтказганликларини кўрсатди. ТИТ билан касалланган болаларни туққан оналарда пасткидаги ҳомила ривожланишининг антенатал даврини оғирлаштирувчи касалликлар частотаси аниқланди: қон касалликлари - 64,4%, ошқозон - ичак тракти патологияси - 48,6%, сийдик чиқариш тизими патологияси - 40,8% ва респиратор касалликлар-26,4% оналарда учради. Юқумли касалликлар 57 (27,4%) оналарда аниқланди: 51 (24,5%) оналарда аниқланган: герпес – 23 (11,05%)да; цитамегаловирус – 16 (7,7%)да; хламидиоз – 10 (4,8%)да; уреоплазмоз – 2 (0,96 %)да; 6 (2,9%) оналарда эса – сурункали вирусли гепатитлар (1-расм).

Эндокрин патология йод танқислиги ҳолати кўринишида – 5,3%, 1 типдаги қандли диабет - 2,4%, семизлик - 1,4% оналарда аниқланган. Аёлларда яллиғланиш (34,1%) ва яллиғланиш бўлмаган (30,7%) гинекологик касалликлар аёлларда деярли тенг аниқланган. Сурункали яллиғланишли гинекологик касалликлари бўлган 89 нафар (42,7%) аёлларда ҳомиладорлик ва туғиш асоратлари келиб чиққан, улар ҳомиланинг ҳолатига ва янги туғилган чақалоқнинг постнатал мослашувида намоён бўлган. 187 (89,9%) нафар оналарда қўшма соматик ва юқумли касалликлар билан бирга келган.

Презклампсия ва эклампсия ривожланиши билан ҳомиладорликнинг мураккаб кечиши 30,8% да, эрта туғиш хавфи 27,4% аёлларда кузатилди; патологиянинг табиатига қараб: ИМ – 36,7±7,0%, ЮТИТ ва ПТИТ – 29,4±6,6% ва 29,0±4,7% бўлган болалар оналарида ўртача кўрсаткичлар фарқларга эга эди.



Расм 1. ТИТ ли болалар оналарининг ҳомиладорлик даврида ўтказган касалликлари

Маълумки, Апгар шкаласи клиник жиҳатдан неонатал мослашувнинг биринчи босқичи ҳолатини акс эттиради ва туғилиш пайтидаги асосий ҳаётий белгиларни тавсифлайди. Янги туғилган чақалоқларда ЮТИТ билан Апгар шкаласининг 1-дақиқадаги кўрсаткичлари 6,4±0,13 баллни; пастки ТИТ 6,5±0,15, ИМ –7,0±0,11 га тенг бўлган баллни ташкил этди. 5-дақиқада бу кўрсаткичлар юқори ТИТда 4-10 баллни (7,6±0,11); пастки ТИТда 3 - 9 баллни (7,6±0,13) ва ИМда 6-10 баллни (8,0±0,12) ташкил этди. 4-6 балл билан баҳолаш 63 нафар (30,3%) янги туғилган чақалоқларда нафас олиш ва гемодинамик бузилишлар ва бошқа ўрта оғир асфиксия билан кардиореспиратор депрессия белгиларида қайд этилди. 0-3 балл билан баҳоланган 3 (1,4%) чақалоқларда алоҳида органлар функциясининг комбинацияланган бузилишларида оғир асфиксиянинг аниқ белгилари қайд этилди.

ЮТИТли 142 (38%) нафар чақалоқларда Апгар шкаласи кўрсаткичлари 1-дақиқада 7-10 баллни ташкил қилди. ЮТИТли 116 (55,8%) нафар чақалоқларда ўткир асфиксия белгилари бўлмади, аммо ҳомила ичи гипоксияси белгилари қайд қилинди: терининг оқариши ва қуриши – 101 нафар (87,1%), мушаклар тонусининг пасайиши ва физиологик рефлекслар – 110 нафар (94,8%), тахипноэ – 42 нафар (36,2%). Ушбу кўринишлар дизадаптив ҳолатларни исботлайди. Бу кўрсаткичлар ой кунига етмай туғилган чақалоқларда яққол намоён бўлди. ТИТ билан боғлиқ постнатал адаптив механизмларнинг узилишлари, ичакнинг мотор эвакуация функцияси бузилганда, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда кўп йўқотишларда, эндотоксикозни, дисбактериозни кўпайишида ва болани энтерал овқатлантиришни бекор қилганда ривожланди. Қиёсий таҳлил, онадаги қўшма касалликлар уйғунлиги янги туғилган чақалоқларда ТИТ ва

мослаштириш касалликлар ривожланиши учун энг катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган (89,9%).

Марказий асаб тизимининг патологик жараёнга жалб қилиш гипоксик-ишемик энцефалопатия билан намоён бўладиган гипоксиянинг табиий асоратидир. Мослашувнинг биринчи босқичида ТИТ билан касалланган 72 нафар (34,6%) беморларда церебрал бузилишлар: вегето-висцерал бузилишлар синдроми - 12 нафар (16,7%), депрессия синдроми – 11 нафар (15,3%); гипер кўзгалувчанлик синдроми кўринишида– 35 нафар (48,6%) янги туғилган чақалоқларда намоён бўлди. 14 нафар (19,4%) ҳолатларда бир нечта неврологик синдромларнинг комбинацияси ёки уларнинг ўзгариши кузатилган.

Анамнези оғир кечган оналардан туғилган 152 (73,1%) нафар чақалоқларда бирга кечувчи патология бор эди: туғма аспирацион пневмония (32,7%), ҳомила ичи инфекцияси (12,5%), сепсис (10,6%), некротик энтероколит (4,8%), йирингли-яллиғланиш касалликлари (4,3%), склерема – 7 (3,4%). 10 (4,8%) нафар беморда томир ичи диссеминирланган синдроми ривожланди. Некротик энтероколит ташҳиси 10 (4,8%) нафар янги туғилган чақалоқларга қўйилган бўлиб, улардан 8 нафари (80,0%) муддатидан олдин туғилган. ТИТ билан туғилган 33 нафар (15,9%) чақалоқларда қўшма нуқсонлар аниқланди: ТЮН - 18 нафарда (8,7%) , Даун синдроми – 11 нафарда (5,3%), МПС – 4 нафар (1,9%). ТИТда ҳолатнинг оғирлиги ва яққол дизадаптив ҳолатлар тенг даражада антенатал омилларга, жумладан, оғирлашган анамнез ва бола туғилгунигача ичак ўтказувчанлигини келиб чиққадиган асоратларига (перитонит - 35 нафар (55,5%), перфорациялар - 18 нафар (28,6%), ичак некрози - 10 нафарга (15,9%)) боғлиқ.

Шундай қилиб, янги туғилган чақалоқларда ТИТ асоратлари ва постнатал дизадаптация ривожланишининг энг кўп аҳамияти, айниқса гипоксия билан туғилган чақалоқларда (87,5%): асфиксия билан 31,7% ва ҳомила ичи гипоксияси билан – 55,8%, қўшма антенатал ва интранатал омилларда мавжуд: онанинг қўшма патологиялари, ҳомиладорлик ва туғишдаги (преэклампсия ва эклампсия), эрта туғилиш хавфи, туғиш фаолиятининг бузилиши, эрта туғилиш аниқланган.

Тўртинчи **“Туғма ичак тугилиши билан янги туғилган чақалоқларда алоҳида транзитор ҳолатлар динамикаси ва эндоген интоксикация кўрсаткичлари”** бобида ТИТ билан янги туғилган чақалоқларнинг тана вазни динамикаси, ичак дисбиозининг бузилиши ҳолатларининг клиник кўринишлари, шунингдек, эндоген интоксикациянинг алоҳида кўрсаткичлари келтирилган.

Кузатувларимизда ичак тугилишининг турли клиник вариантларида болаларнинг туғилгандаги тана вазни 1100,0 г дан 4450,0 граммгача ташкил қилган. 84 (40,4%) нафар беморларда тана вазни нормал кўрсаткичларга мос (2500,0-3500,0г); 68 нафар (32,7%) янги туғилган чақалоқларда, гестация муддатидан қатъий назар, камваззли – 2500 граммдан кам. 3 (1,4%) нафар тўлиқ ПТИТда - жуда камваззли (1500 граммдан кам) туғилиш қайд этилган. 53 нафар (25,5%) кузатувларда туғилишдаги тана вазни 3500

граммдан оғир бўлган. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, янги туғилган чақалоқларнинг тана вазни тўлиқ муддатли туғилиш ва тутилиш даражасига боғлиқдир. Тутилишнинг даражасига қараб тана вазнидаги фарқ фақат ИМ да ой кунига етмай туғилган чақалоқларда ишончли эди: қисман 3193,56±142,26 граммга нисбатан тўлиқ тутилишда 2768,75±313,40 грамм бўлган ($p < 0.05$).

Жадвал 1

ТИТ билан янги туғилган чақалоқларнинг тўлиқ муддатли туғилиш ва тутилиш даражасига кўра туғилгандаги тана вазни (n = 208)

Болаларнинг тўлиқ муддатлилик даражаси	ЮТИТ (n=68)		ПТИТ (n=93)		ИМ (n=47)	
	Тўлиқ (n=48)	Қисман (n=20)	Тўлиқ (n=91)	Қисман* (n=5)	Тўлиқ (n=27)	Қисман (n=20)
Тўлиқ муддатли болалар, (n=111)	3193,56±142,26 (n=16)	3624,70±168,78 (n=10)	3462,80±65,84 (n=53)	2350-3000 (n=2)	3154,74±121,30 (n=19)	3287,86±87,54 (n=14)
Ой кунига етмай туғилган чақалоқлар, (n=97)	2332,53±70,03 (n=32)	2770,40±198,77 (n=10)	2479,03±111,98 (n=38)	1596-2500 (n=3)	2768,75±313,40 (n=8)	3193,56±142,26** (n=6)
Р маълумотлар тўлиқ муддатли туғилиш даражасига қараб	<0,05	<0,05	<0,05		<0,05	

Изоҳ: * - ТИТ да тўлиқ ва қисман тутилишига учраган болалар маълумотлари ўртасидаги ишончлилик беморлар сони кам олинганлиги учун амалга оширилмади; ** - тўлиқ ва қисман тутилиш бўлган болалар маълумотлари ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($P < 0.05$).

Янги туғилган чақалоқлар ҳаётининг 4-куни (энг катта йўқотиш фазаси) ўртача тана вазни ЮТИТда 2463,17±79,21г; ПТИТ да 2626,06±82,43г; ИМда 2788,60±82,99граммни ташкил этган. 0 дан 6% гача бошланғич тана вазнининг йўқолиши 18,4% да кузатилган; 7 дан 10% гача - 26,6% да; 11% ва ундан кўп йўқотиш - янги туғилган чақалоқларнинг 54,8% да. Кўпроқ муҳим ($p < 0,05$) тана вазни йўқотилиши тўлиқ ЮТИТ да, шунингдек, тўсиқ катта дуоденал сўрғич остида жойлашган беморларда кузатилди. ПТИТ бўлган туғилган чақалоқларда тана вазнининг минимал йўқотилиши ёки ҳатто вазн йўқотишининг йўқлиги қулай кўрсаткич ҳисобланмайди, чунки у ичак таркибининг патологик бирикмасини тўпланиши ва боланинг танасида суюқликни ушлаб қолинишини кўрсатган.

ЮТИТ билан туғилишда бошланғич тана вазни тикланишининг ўртача кўрсаткичлари 10,5±0,8 кунликда, ПТИТ ва ИМ да - мос равишда 8,6±0,59 кунликда ва 7,51±1,2 кунликда кузатилди. Амалий соғлом янги туғилган чақалоқларда бу давр 3,6±0,13 кунни ташкил этган. Ой кунига етмаганлик даражаси, боланинг соматик ҳолати ва онанинг акушерлик-гинекологик анамнезининг оғирлиги тана вазнининг физиологик динамикасига салбий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, ТИТ да тана вазнининг динамикаси янги туғилган чақалоқларнинг ҳолатини ва уларнинг постнатал мослашувини баҳолаш мезонларидан бири сифатида фойдаланилиши мумкин.

Маълумки, тразитор дисбиоз барча янги туғилган чақалоқларда 7 кунгача давом этадиган ўткинчи ҳолатдир. Бизнинг тадқиқотлар, ичак дисбиози (ИД) ичак тутилишининг асосий кўринишларидан бири ва унинг кучайишининг асосий омили эканлигини кўрсатди.

Янги туғилган чақалоқларда ТИТ нинг клиник шаклларига қараб, дисбиознинг намоён бўлиши ва даражаси турлича эди: ўртача кечишдан оғир клиник шаклларгача. ТИТ билан туғилган 79 нафар чақалоқларда ичак микрофлорасининг миқдорий параметрлари ва тур таркибини ўрганиш муҳим фарқлари 2-жадвалда кўрсатилган.

Жадвал 2

ТИТнинг турли шакллари билан туғилган чақалоқларда ичак микрофлорасининг миқдорий параметрлари ва тур таркиби (n = 79)

Микроблар гуруҳлари	1 мл ахлатдаги микроблар сони мл (M ±m)мл			
	Назорат гуруҳи (n=20)	ЮТИТ (n=27)	ПТИТ (n=31)	ИМ (n=21)
Умумий анаэроблар сони	10,3±0,7	5,0±0,2*	3,10±0,1**	6,0±0,2≠
Бифидобактериялар	8,9±0,5	4,6±0,2**	0	5,5±0,2*
Лактобактериялар	9,5±0,7	3,2±0,1**	2,5±0,1***^	4,2±0,1*≠
Пептострептококклар	7,1±0,3	3,6±0,1*	3,0±0,1**	4,6±0,1*
Аэробларнинг умумий сони	9,1±0,5	8,5±0,4	4,2±0,2***^	7,5±0,3≠
Лактоза мусбат эшерихиялари	8,8±0,7	4,1±0,1**	2,0±0,1***^^	5,2±0,2*≠
Лактоза манфий эшерихиялари	8,0±0,5	7,2±0,3	3,0±0,1***^^	6,2±0,3*≠
Протей	4,5±0,3	5,6±0,2	2,0±0,1***^^	5,5±0,2≠≠
Д гуруҳидаги стрептококклар	7,8±0,4	3,0±0,1**	3,0±0,1**	4,0±0,1*
Тилларанг стафилококк	0	2,0±0,1	2,0±0,1	2,0±0,1
Эпидермал стафилококк	5,6±0,2	4,1±0,1	2,6±0,1**	5,1±0,2
Candida туридаги замбуруғлар	3,6±0,2	5,1±0,2*	1,0±0,1***^^	5,3±0,2^≠≠≠

Изоҳ: *ишончлилик назорат гуруҳи кўрсаткичлари маълумотларига нисбатан (*P <0.05; ** - P <0.01; ***- P <0.001); ^ ишончлилик юқори ТИТ кўрсаткичлари маълумотларига нисбатан (^-P <0.05; ^^ - P <0.01; ^^^-P<0.001); ≠ ишончлилиги пастки ТИТ кўрсаткичлари маълумотларига нисбатан (≠-P <0.05; ≠≠ - P <0.01; ≠≠≠- P <0.001)

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ЮТИТда грам-салбий флора ва анаэроб микроорганизмлар томонга силжиш бор. Анаэроб гуруҳда барча ўрганилган параметрларнинг, бифидобактериялар ва лактобактерияларга нисбатан энг аниқ (p <0.01) (4.6±0.2 ва 3.2±0.1 КОЕ/мл, мос равишда) камайиши қайд этилган. Факултатив гуруҳда микробларнинг кокк гуруҳида пасайиш қайд этилди ва грам-манфий флорада эса, айниқса эшерихия ва протей туридаги микробларнинг лактоза-манфий штамлари учун ўсишининг ортиши қайд этилди. Бу болаларда патологик жараёнларни олиб келиши мумкин патогенлик ферментлар катта мажмуий стафилококкларнинг (*St. aureus*) патоген штамлари ўса бошлади. ПТИТда нажасда анаэроб ва факултатив гуруҳларнинг фаоллашувларида микроблар сони камайган. Анаэроб гуруҳда бифидобактериялар умуман ўсмаган, лактобактериялар 2,5±0,1 КОЕ/мл ни ташкил этган, бу меъёрдан 73,7%га паст (p <0,05), ўсишда, айниқса патоген стафилококк (*St.aureus*) штамлари кўпайган.

Пастки ичак тутилишида меконий дархол ажралмайди, шунинг учун бу беморларда ичак микрофлорасини ўрганиш меконий пайдо бўлгандан кейин ёки жарроҳлик пайтида амалга оширилган. ИМ билан туғилган чақалоқларда микрофлора бифидобактериялар ва лактобактерияларнинг ($5,5 \pm 0,2$ ва $4,2 \pm 0,1$ КОЕ/мл) энг яққол камайишида анаэроб гуруҳ микроорганизмлар сонининг камайишини кўрсатди, бу назорат гуруҳига нисбатан 38,2% ва 55,8% паст ($p < 0,05$, $p < 0,01$). Факултатив гуруҳда эшерихия камайишга мойил бўлиб, протея гуруҳининг чиритувчи микроблари эса кўпайди. Патоген стафилаккокк (*St.aureus*) ва *Candida* туридаги замбуруғлар билан боғлиқ микробларнинг ўсиши ташвишлидир. Ушбу микроблар патогенлик ферментларининг катта тўпламига эга ва бошқа патологик жараёнларнинг ривожланишининг муҳим омили бўлиши мумкин.

ТИТли чақалоқларда ой кунига етмаганлик даражасини инобатга олиб, ичак микробиотини ўрганиш қизиқарлидир. ТИТли 17 (21,5%) нафар ой кунига етмай туғилган чақалоқларда ичак биоценозининг чуқур ўзгаришлари анаэроб ва аэроб флорасининг меъёрий нисбатини бузилиши кўринишида қайд қилинган, бу бифидо- ва лактобактерияларнинг миқдорини 2-3 маротаба камайишида акс этган. Факултатив гуруҳ микроблари, айниқса эшерихиянинг лактозо-мусбат штамmlарининг миқдори яққол пасайиши аниқланган, бу назорат гуруҳига нисбатан 4 бараварга кам ($2,1 \pm 0,1$ и КОЕ/мл).

ИД учун бифидобактерияларнинг ҳам прогрессив пасайиши (7-6 КОЕ/г кам), лактобациллнинг (5 КОЕ/г кам) антогонистик фаолияти пасайиши билан ифодаланади. I ва II даражада анаэроблар сони аэроблардан устун туради, III ва IV даражада - анаэроб ассоциация аэробга тенг ёки ундан паст бўлади. Дисбиоз ошгани сайин ичак таёқчалари лактозани парчалаш вазифасини йўқотади, шартли штамmlари сони ортади (I босқичда 3 КОЕ/гдан III ва IV даражада 5 КОЕ/гача). Дисбиознинг оғир босқичлари учун микроблар ассоциацияларининг ўсиши, бир турдаги бир неча тоифалар вегетацияси, нормал биоценоз учун ноодатий штамmlарнинг (клебсиелла, кўк йирингли таёқча, *Candida* туридаги замбуруғлар) пайдо бўлиши хосдир. Бу параметрларни ҳисобга олган ҳолда ТИТ билан туғилган чақалоқларда дисбиози даражаси аниқланган (3-жадвал).

Жадвал 3

ТИТ билан туғилган чақалоқларда ичак дисбиозининг яққоллик даражаси

Ичак дисбиозининг даражаси	ЮТИТ (n=27)		ПТИТ (n=31)		ИМ (n=21)		Жами (n=79)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
I	-	-	-	-	-	-	-	-
II	9	33,3	-	-	3	14,3	12	15,2
III	14	51,9	13	41,9	8	38,1	35	44,3
IV	4	14,8	18	58,1	10	47,6	32	40,5
Жами	27	100	31	100	21	100	79	100

3-жадвалдан кўриниб турибдики, дисбиоз кўрсаткичлари ТИТнинг клиник кечишининг вариантларига қараб, пастки обструкция ва

буралишнинг шакллариининг энг аниқ ўзгариши билан фарқ қилган. Шундай қилиб, ИДнинг III даражаси кўп ҳолларда ТИТ (51,9%) билан туғилган чақалоқларга, IV даражаси эса - ПТИТ (58,1%) ва ИМ (40,5%) билан янги туғилган чақалоқлар учун хосдир.

Овқат хазм қилиш етишмовчилигига ва энтеротоксинлар элиминациясига сабаб бўладиган янги туғилган чақалоқлардаги ТИТ эндоген интоксикация (ЭИ) ривожланишига сезиларли ҳисса қўшади, боланинг адаптив имкониятларини кескин пасайтиради (4-жадвал). ТИТ билан касалланган барча янги туғилган чақалоқларда ЎМПнинг ўртача даражаси назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан юқори эканлигини аниқладик, энг аниқ ўзгаришлар эса пастки ТИТ бўлган болалар гуруҳида топилган. Уларда ЎМП даражаси ТИТ юқори бўлган янги туғилган чақалоқларга нисбатан анча юқори бўлган; ИМли болалар гуруҳида ЎМП концентрацияси ЮТИТда бундан статистик жиҳатдан сезиларли фарқ қилмаган. ТИТда юқори даражадаги ЎМП янги туғилган чақалоқнинг адаптив реакциялари ҳосил бўлишининг бузилишига катта ҳисса қўшиши мумкин (4-жадвал).

Жадвал 4.

ТИТ турли шакллари билан туғилган чақалоқларда эндоген интоксикация кўрсаткичлари (n = 74)

ЭИ кўрсаткичлари	Назорат (n=20)	ЮТИТ (n=22)	ПТИТ (n=34)	ИМ (n=18)
ЎМП, уе	0,110±0,009	0,286±0,035**	0,496±0,031**,*	0,310±0,041**
МДА, мкмоль/л	3,32± 0,09	18,10± 3,90**	10,71± 2,09**,*	13,56± 1,13**
Креатинин, мкмоль/л	41,0±2,1	38,1±3,2	35,1±3,1	39,0±2,0
Лактат, ммоль/л	0,51±0,02	1,39± 0,10**	1,44±0,11**	1,43± 0,12**
Умумий билирубин, мкмоль/л	76,0±5,6	114,0±4,6**	156,1±8,1**,*	109,0±3,6**

* - ЮТИТ га нисбатан статистик аҳамиятли (p <0,05); ** - назоратга нисбатан статистик аҳамиятли (p <0,05).

